

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲУКМ

2024 йил апрель ойининг 2 куни жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, Қарши шаҳридаги “Фемида Қалқон” адвокатлик бюроси биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи - суд судьяси Н.Ишмурадов, судья ёрдамчиси А.Номозовнинг котиблигида, тарафлардан Қарши транспорт прокурори А.Ғаниев, судланувчи Я.Маҳматқобулов ва унинг ҳимоячиси-адвокат М.Мардоновнинг иштирокида, Маҳматқобулов Яшинбек Абдиҳолик ўғлига нисбатан №1-1801-2402/170-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Маҳматқобулов Яшинбек Абдиҳолик ўғли (Mahmatqobulov Yashinbek Abdiholik o'g'li), 2002 йил 1 июнь куни Қашқадарё вилояти Қамаш туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, ногирон эмас, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Қамаш тумани Янги қурилиш МФЙ, Гулистон қишлоғида яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 18 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд судланувчининг суддаги кўрсатувларини эшитиб, прокурор ва ҳимоячининг музокара нутқларини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни атрофлича ўрганиб, муҳокама қилиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Маҳматқобулов Яшинбек Абдиҳолик ўғли 2021 йил 10 май куни Россия Федерациясининг Москва шаҳрига ишлаш мақсадида бориб, у ерда яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, 2021 йил ноябрь ойининг ўрталарларида дастлабки тергов ҳаракатларида аниқлаш имкони бўлмаган “Суннат” исмли номаълум шахс билан ҳужжатларни қалбакилаштириш учун жиноий тил бириктириб, “Суннат” исмли номаълум шахсга Россия Федерациясида бўлиш қоидаларини бузмаслик, ушбу давлатда бўлиш ва ишлаш ҳуқуқини берувчи рухсатнома расмийлаштириб олиш мақсадида ўзига тегишли 30.03.2021 йилда Қашқадарё вилояти ИИБ томонидан берилган ФА 2438620 серия рақамли фуқаролик паспортини ва мазкур фуқаролик бирор бир давлатга бориб келганлиги бўйича сохта чегара назорат шатмп излари бостириб бериши эвазига 1000 (бир минг) рубл миқдоридаги пулларни бериб, “Суннат” исмли номаълум шахс орқали ФА 2438620 серия рақамли



фуқаролик паспортининг 5-саҳифасида 25.11.2021 йилда Тошкент шаҳрига келганлиги ва 48-саҳифасида 19.12.2021 йилда Тошкент шаҳридан кетганлиги тўғрисидаги қалбаки “ТОШКЕНТ С-061” чегара назоратининг штамп изларини ясаттиришга эришган.

Қашқадарё вилояти ИИБ ЭКБ томонидан 15.02.2024 йилда берилган № 143-сонли судга оид ҳужжатларни техник-криминалистик экспертиза хулосасида “Тақдим қилинган фуқаро Маҳматқобулов Яшинбек Абдиҳолик ўғли номига берилган ФА 2438620 рақамли фуқаролик паспортининг 5-саҳифасида 25.11.2021 йилда Тошкент шаҳрига келганлиги ва 48-саҳифасида 19.12.2021 йилда Тошкент шаҳридан кетганлиги тўғрисидаги қалбаки “ТОШКЕНТ С-061” чегара назоратининг штамп излари битта штамп клишесидан қолдирилмаган, чегара штамп излари қалбаки ва чегара назоратининг штамп излари саноатда фотополимер усулида ишлаб чиқарилган штамп клишесидан қолдирилган”-деб кўрсатилиб ўтилган.

Судланувчи Маҳматқобулов Яшинбек Абдиҳолик ўғли судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2021 йил 10 май куни мавсумий ишлаш мақсадида Россия давлатига кетиб, Россия Федерациясининг Москва шаҳрида 3 йил давомида қурилиш ва таъмиралш ишларида ишлаганини, ундан у ерда патент ҳужжатларини сўрашни бошлаганини, у Ўзбекистонга ёки бошқа давлатга келиб кетиши учун вақт кетишини ва муаммо бўлиши сабабли, унинг паспортига хорижий давлатларнинг бирортасига кирди-чиқди қилиш керак бўлганини, шунда унга Тожикистон давлати фуқароси ўзини ҳаммага “Суннат” деб таништирадиган йигит 1000 (бир минг) рубл миқдоридаги пуллар ва фуқаролик паспортини берса, бирор бир давлатига кирган-чиққанлиги бўйича муҳр босиб беришини айтишганини, шундан кейин у 2021 йил ноябрь ойининг ўрталарида Суннатга 1000 рубл миқдоридаги пул берганини, “Суннат” эса унга бир ойдан кейин 2021 йил декабрь ойининг охирида фуқаролик паспортини 5-саҳифасида 25.11.2021 йилда Тошкент шаҳрига келганлиги ва 48-саҳифасида 19.12.2021 йилда Тошкент шаҳридан кетганлиги тўғрисидаги қалбаки “ТОШКЕНТ С-061” чегара назоратининг штамп изларини босиб олиб келиб берганини, аслида у умуман 2021 йилда Ўзбекистон давлатига келиб кетмаганини, у ушбу вақтда РФда ишлаб юрганини, муҳр қалбаки эканлиги ва жавобгарлиги борлигини 2024 йил 12 февраль куни Қарши халқаро аэропортига келган вақтида Тошкент халқаро аэропорти ҳодимлар ҳужжатларни расмийлаштираётган вақтида билганини Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрига ҳам умуман келмаганлигини, у қилган ишидан пушаймонлигини билдириб суддан енгиллик беришни сўради.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчининг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95,112-моддалари



талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириб чиқиб, судланувчи Я.Маҳматқобуловнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни билдирги, баённомалар, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар билан ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Я.Маҳматқобуловнинг ҳаракатини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, тергов органи томонидан унинг жинойи ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, “Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Я.Маҳматқобуловга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, юқоридаги кўрсатилган Пленум қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб,



Я.Маҳматқобуловнинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкцияси доирасида кўрсатилганидан камроқ ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатиришни, жазо ижросини назорат қилишни Қамашини туман ИИБ пробация гуруҳи зиммасига юклатишни, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддатини иш ҳақидан давлат даромадига ушлаб қолинган вақтдан бошлаб ҳисоблашни, Я.Маҳматқобуловнинг муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни, ашъвий далил деб эътироф этилган Маҳматқобулов Яшинбек Абдиҳолик ўғли номига берилган FA 2438620 рақамли фуқаролик паспортини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига юборишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-455,457,462-463,465-468,471,473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Маҳматқобулов Яшинбек Абдиҳолик ўғли (Mahmatqobulov Yashinbek Abdiholik o'g'li), Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 228-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Судланувчи Маҳматқобулов Яшинбек Абдиҳолик ўғлига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг муддати ҳукм ижрога қаратилиб, иш ҳақидан белгиланган фоиз миқдори давлат ҳисобига ундирилган кундан бошлаб ҳисоблансин. Жазо ички ишлар органлари белгилаб берган жойларда ўтатирилсин. Жазо ижросини назорат қилиш Қамашини туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Я.Маҳматқобуловга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг ашъвий далил деб эътироф этилган Маҳматқобулов Яшинбек Абдиҳолик ўғли номига берилган FA 2438620 рақамли фуқаролик паспорти Қашқадарё вилоят ички



ишлар бошқармаси миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига юборилсин.

Ҳукмдан норози томонлар, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ҳукм нусхаси олган кундан эътиборан шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига ўн сутка муддат ичида апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Н.Ишмурадов

